

## Агар таклиф қилинсангиз, қабул қилинг | Сийрат дарслари (317-дарс)



19:00 / 14.02.2025 2183

578. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга аввалги мевадан келтирилар эди. Шунда у зот: «**Аллоҳим! Бизга Мадинамизни, меваларимизни, соъимизни, муддимизни баракали қилгин. Барака ила баракали қилгин**», дер эдилар. Кейин уни (ҳузурларида) ҳозир бўлган болалардан энг кичигига берар эдилар».

*Муслим ривоят қилган.*

579. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳеч ким бировнинг ҳайвонини унинг изнисиз соғмасин. Бирортангиз ўз ичимлик идишининг синдирилиб, озуқаси зое бўлишини хоҳлармиди? Албатта, ҳайвонларнинг елинларида уларнинг озуқалари сақланади. Ҳеч ким бировнинг ҳайвонини унинг изнисиз соғмасин»**, дедилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

580. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам барча озиқ тишли йиртқичлар ва тирноқли қушлар(нинг гўштини ейиш)дан қайтардилар».

*Муслим ривоят қилган.*

581. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Агар таклиф қилинсангиз, қабул қилинг»**, дедилар».

Ибн Умар никоҳ тўйига ҳам, бошқа маросимга ҳам рўзадор ҳолида келар эди.

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

582. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Пойча ёки туёққа таклиф қилинсам ҳам, бораман. Менга пойча ёки туёқ ҳадя қилинса ҳам, қабул қиламан»**, дедилар».

*Бухорий ривоят қилган.*

583. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг форс қўшнилари бор эди. Шўрваси мазали бўларди. У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга атаб (шўрва) пиширди ва келиб таклиф қилди. Шунда у зот: **«Буни ҳамми?»** деб Оишани кўрсатдилар. «Йўқ», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам: **«Йўқ»**, дедилар. У қайтиб яна чақирди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Буни ҳамми?»** дедилар. «Йўқ», деди. **«Йўқ»**, дедилар. У қайтиб яна чақирди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Буни ҳамми?»** дедилар. «Ҳа», деди. Учинчисида икковлари туриб, бир-бирларидан ўзишга ҳаракат қилиб, унинг манзилига

келишди».

*Муслим ривоят қилган.*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.